



Tadqiqot **uz**

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



CONFERENCES.UZ

**31 ЙУЛ
№30**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 30-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
1-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
30-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-1**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
30-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-1**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 30-күп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 июль 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 30 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибод Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Бердимуратова Зульфия Джолдасбаева	
СУДДА ВАКИЛЛИК ИНСТИТУТИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА	7
2. Мамирова Аллома Уразалиевна	
ПУДРАТ ИНСТИТУТИ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ	10
3. Maxmudova Hurmatoy Muxtorovna	
JAMIYATDA HUQUQIY ONG VA HUQUQIY MADANIYATNI YUKSALTIRISHDA HUQUQIY TARG'IBOTNING ROLI.....	14
4. Ayjamal Toqsanbaeva	
MUSTAQILLIK VA DAVLAT GERBI: KECHA, BUGUN, ERTAGA.....	17
5. X.А.Мухаммадиев, Д.А.Тайлаков	
ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ЭХТИЁЖЛАРИ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ОЛИБ КҮЙИЛИШИГА ОИД БЎЛГАН КОНУН ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ	20
6. Шуҳратов Шероз Шавкатович	
АНТИКОРРУПЦИОННОЕ ОБУЧЕНИЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ СЛУЖАЩИХ КАК СОСТАВЛЯЮЩИЙ ЭЛЕМЕНТ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ	24
7. X.А.Мухаммадиев, Д.А.Тайлаков	
ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗ ВА ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДАДИР	27



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

СУДДА ВАКИЛЛИК ИНСТИТУТИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Бердимуратова Зульфия Джолдасбаевна
Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши хузуридаги Судьялар
олий мактаби магистранти
Телефон: +998994508808
bzulfa@bk.ru

Аннотация: Мазкур мақолада айрим давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилиги бўйича вакиллик институтларига тегишли мазмунлари ёритилган.

Аннотация: В данной статье освещено содержание, касающееся институтов представительства по Гражданскому процессуальному законодательству некоторых государств.

Калит сўзлар: Фуқаролик процессуал қонунчилиги, вакиллик, вакиллик институты, фуқаролик низолар, суд вакиллиги.

Ключевые слова: Гражданское процессуальное законодательство, представительство, институт представительства, гражданские споры, представительство в суде

МДХ таркибига кирувчи айрим давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигига суд томонидан тайинланадиган вакиллик институти жорий этилган. Хусусан, Россия Федерации Конституциясининг 48-моддасида “ҳар бир киши учун малакали юридик шахсни олиш хуқуқи кафолатланади”.

Фуқаролар ўз ишларини судда шахсан ёки вакиллар орқали олиб бориш хуқуқига эга. Фуқаронинг ишида шахсан иштирок этиши бу ишда вакил бўлиш хуқуқидан маҳрум этмайди.

Ташкилотлар иши судда федерал қонун, бошқа хуқуқий ҳужжатлар ёки таъсис ҳужжатлари ёки вакиллари томонидан уларга берилган ваколатлар доирасида фаолият юритадиган органлар томонидан амалга оширилади.

Тугатилаётган ташкилот номидан тугатиш комиссиясининг ваколатли вакили судда қатнашади.

Россия Федерациясининг Фуқаролик процессуал кодексининг 48-моддасида судда ваколатли шахсларга ишни юритиш ваколати тегишли тарзда расмийлаштирилган ва тасдиқланган бўлиши керак.

Суд вакиллари адвокатлар ва юқори юридик маълумотга эга бўлган ёки юридик мутахассислик бўйича илмий даражага эга бўлган бошқа юридик ёрдам кўрсатувчи шахслар бўлиши мумкин.

Адвокатлар федерал қонунга ва уларнинг ваколатларига мувофиқ адвокатнинг мақомини тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим этишлари керак. Бошқа юридик ёрдам кўрсатувчи шахслар судга ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларни, шунингдек, уларнинг олий юридик маълумоти ёки юридик мутахассислиги бўйича илмий даражага тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

Россия Федерациясининг Фуқаролик процессуал кодексининг 50-моддасига кўра, суд адвокатни жавобгарнинг вакили бўлмаган тақдирда, унинг яшаш жойи номаълум бўлган, шунингдек, федерал қонун билан назарда тутилган бошқа ҳолларда вакил сифатида тайинлайди. Ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда суд томонидан жавобгарни вакили сифатида тайинланган адвокат иш бўйича суд қарорларига шикоят қилишга ҳакли¹.

¹ Федерального закона от 05.05.2014 N 93-ФЗ. <https://www.consultant.ru>.



Ишни кўраётган суд томонидан ишда вакил сифатида қатнашишга рухсат берилган шахсларнинг шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллик қилиш институти, шунингдек Эстония Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг нинг 81-моддасида ҳам назарда тутилади. Унга кўра, судда вакил сифатида ишни кўраётган суд томонидан ишда вакил сифатида қатнашишга рухсат берилган шахслар эътироф этилади. Бироқ, давлат судида вакил сифатида факат адвокат иштирок этиши мумкинлиги назарда тутилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли бўллади. Худди шунингдек, Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 72-моддасида судда вакил бўлиши мумкин бўлган шахслар рўйхати берилган бўлиб, унга кўра суд томонидан тайинланган вакиллар ушбу рўйхатдан жой олган. Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 77-моддасида суд томонидан тайинланадиган вакилларнинг рўйхати берилган. Унга кўра, муомалага лаёқатсиз тараф ёки учинчи шахснинг вакили бўлмаса, яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарнинг вакили бўлмаса, Беларусь Республикасининг Никоҳ ва оила кодексида назарда тутилган асосларга кўра, вакил суд ишини юритишга ҳақли бўлмаса ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда суд тарафларга ёки учинчи шахсларга вакил тайинлайди. Суд томонидан тайинланган вакилнинг ваколатлари нотариал тартибда эмас, балки суд ажрим билан расмийлаштирилиши белгилаб қўйилган. Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг "Асосий атама ва таърифлар" деб номланган 1-моддасида Кодексда кўлланиладиган асосий атама ва таърифларга тушунчалар бериб ўтилган. Хусусан, унда "қонуний вакиллар", "яқин қариндошлар", "оила аъзолари" каби атамаларнинг хуқукий маноси ўз аксини топган¹.

Дунёда биринчи навбатда Англия Америка хуқукий тизимида бўлган суд вакиллиги бозорининг пайдо бўлиши сабабли, ушбу бозорнинг ишлаш механизми қонуннинг иқтисодий таҳлил мактабига қандай қарашини кўриш қизиқарлидир.

Бугунги кунда фуқаролик низолари тарафларининг вакиллиги жамоатчилик манфаатларига устувор аҳамият бериш керак бўлган соҳа эмас, чунки бу ҳар бир кишининг шахсий манфаатини ҳимоя қилувчи шахслар ўргасидаги муносабатлар соҳаси. Суд жараёни билан боғлиқ муносабатлардан фарқли ўлароқ, суд вакиллиги бўйича муносабатларнинг бир томони эмас: бундай муносабатларнинг томонлари фақат суд жараёнининг тарафлари ва уларнинг вакиллари ҳисобланади. Шу сабабли, суд тизимини молиялаштириш масалалари ва суд ишларини юритиш самарадорлиги масалалари фарқли ўлароқ, суд вакиллигига нисбатан, биринчи навбатда, алоҳида эътибор берилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик фаолияти субъектларини бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир².

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Савдо-саноат палатаси тўғрисидаги қонунининг 21-моддасига кўра, палата қуидаги хукуқларга эга: тарафлар ўргасидаги низоларни судгача ҳал этишни амалга ошириш; Палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан даъволар тақдим этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан шикоят қилиш; жиноят ишлари бўйича иш юритишида тадбиркорлик субъектларининг жамоатчилик ҳимоячилари сифатида иштирок этиш; давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан шикоят қилинганда тадбиркорлик субъекти номидан суд муҳокамасининг исталган босқичида иштирок этиш (иккала тараф Палата аъзолари бўлган ҳоллар бундан мустасно), шунингдек даъво аризалари билан бир қаторда апелляция, кассация шикоятлари, аризалар, шу жумладан назорат тартибида протест келтириш ҳақида илтимосномалар бериш; иқтисодий низоларни ҳал қилиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳакамлик судларини, шунингдек ҳалқаро тижорат арбитраж судини ташкил этиш.

Палата ва унинг ҳудудий бошқармалари хузурида ҳакамлик судлари фаолият кўрсатади.

¹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь (Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1997 г.

² Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисидаги қонуни. (янги таҳрири) Тошкент ш., 2018 йил 9 июль, ЎРҚ-483-сон. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январдаги ЎРҚ-600-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон.



Ҳакамлик судлари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Палата ҳузурида чет эллик инвесторларнинг, шунингдек хорижий шериклар билан ўзаро муносабатларда миллий компанияларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш бўйича Халқаро тижорат арбитраж суди ташкил этилади.

Халқаро тижорат арбитраж суди ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, суд вакиллигини профессионаллаштиришнинг глобал тенденцияси мавжуд. АҚШда факат судда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун эмас, балки ҳар қандай маслаҳат ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун Америка адвокатлар ассоциациясида (Американ Бар Ассоциатион) малака имтихонини топшириш ва мунтазам равиша малака ошириш курсларини ўташ керак. Бундан ташқари, ҳар бир давлатда Ассоциация маҳаллий қонунчиликнинг ўзига ҳос хусусиятларини ва ҳуқуқни муҳофаза қилишни ҳисобга олган ҳолда ўз имтихонларини ташкил қиласди: муайян давлатда малака имтихонини топшириш адвокатга факат ушбу давлатда ҳуқуқий амалиёт билан шуғулланиш ҳуқуқини беради. Шундай қилиб, суд вакилларининг касбий маҳоратининг максимал дарожаси таъминланади. Шу билан бирга, АҚШ судларида вакиллик мажбурийдир. Вакилнинг хизматларини тўлаш имконига эга бўлмаган шахслар учун (юқорида кўрсатилган суд инвесторлари механизмларидан ташқари), 1974 йилда маҳсус қонун асосида нодавлат нотижорат ташкилоти — юридик хизматлар корпорацияси (ҳуқуқий хизматлар корпорацияси) ташкил этилди, унинг асосий мақсади, юқорида айтиб ўтилганидек, куч-кудратга эга бўлган компаниялар ва ташкилотларни молиялаштиришдир. Ҳуқуқий хизматлар корпорацияси федерал бюджетдан давлат томонидан молиялаштирилади ва тижорат ва нотижорат ташкилотлари ўртасида судларда мижозларни бепул грантлар орқали юридик ёрдам кўрсатилади.¹

Хўлоса қилиб шуни айтиш мумкин, ҳозирги ривожланган компьютер техника даврида рақамлаштириш бўйича ҳам бир қанча ишлар барча соҳаларда бир қанча ўзгаришлар ўз аксини топмоқда. Шу тариқа, интеграциялашув жараёнида вакилликнинг бошқа турларини таснифлаш келгусида турли хил коммуникация воситалари (интернет, смартфонлар ва бошқа курилмалар) орқали вакиллар билан боғланган ҳолда вакилликнинг механизмиларини “маҳсус вакиллик” турини ишлаб чиқиш ва кенг қўллашни такомиллаштириш лозим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Федерального закон от 05.05.2014 N 93-ФЗ. <https://www.consultant.ru>.
2. Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь (Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь , 1997 г.
3. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисидаги қонуни. (янги таҳрири) Тошкент ш., 2018 йил 9 июль, ЎРҚ-483-сон. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январдаги ЎРҚ-600-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон.
4. Banks Ch. P. The American Legal Profession: the Myths and Realities of Practicing Law. Kent, 2017. P. 22-41.

¹ Banks Ch. P. The American Legal Profession: the Myths and Realities of Practicing Law. Kent, 2017. P. 22-41.



ПУДРАТ ИНСТИТУТИ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛANIШИ ВА РИВОЖЛANIШИ

Мамирова Аллома Уразалиевна

Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши
хузуридаги Судъялар олий мактаби тингловчиси

Аннотация: Пудрат шартномасини ҳуқуқий тартибга солишнинг, пудрат институти шаклланланишининг тарихий ва ҳуқуқий таҳлили келтирилган бўлиб, бу билан аввало амалдаги қонунчиликдаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш ва меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликлар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Пудрат институти, пудрат шартномаси, қурилиш пудрат шартномаси, шартноманинг шакллари.

Пудрат институти шаклланланишининг тарихий ва ҳуқуқий таҳлили муҳим аҳамиятга эга, чунки бу ушбу ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни шакллантиришга ва судлар томонидан уларни амалда тўғри қўллай олишга имкон беради. Шунингдек, биз уларни таҳлил қилиш орқали аввало амалдаги қонунчиликдаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш ва меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликларни аниқлаш имконига эга бўламиз.

Пудрат шартномасини ҳуқуқий тартибга солувчи энг қадими манбалардан бири Хаммурапи Қонунлар тўплами (ёки Хаммурапи Кодекси) ҳисобланади. Хаммурапи Қонунлар тўпламида “талион” тамойили ўз аксини топган бўлиб, унга кўра қурувчилар қурилган биноларининг қулаши натижасида етказилган зарар учун тегишли жазо олишган.

Мисол учун, Кодекснинг 229-моддасида уйнинг қулаши натижасида уй эгаси вафот этган бўлса, жавобгарлик чоралари белгиланган: “агар қурувчи бюртмачи учун уй қуриб, ишини ёмон бажарган бўлса ва у қурган уй қулаб тушса ва бунинг натижасида уй эгаси вафот этса, бундай ҳолатда қурувчи қатл қилиниши керак”лиги белгиланган.

Кодекснинг 233-параграфида, агар қурувчи бюртмачига уй қурганда ишини сифатли бажармас ва бунинг оқибатида уй девори қулаб тушса, демак, қурувчи деворни ўз маблағлари ҳисобидан қайта таъмирали лозимлиги кўрсатилган.

Пудрат институти ривожланишининг кейинги босқичини биз Рим империяси даврида кўришимиз мумкин. Бу даврда пудрат шартномаси тушунчаси илк бор муомилага киритилган ҳисобланади.

Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланганидек, “Рим қонуни юридик институтларнинг шаклланishiга сезиларли таъсир кўрсатди ва замонавий давлатлар қонунчилиги томонидан қабул қилинди”.

Рим республикаси даврида қонунчиликда кўплаб муҳим ўзгаришлар юз берди, бу еҳтимол янги турдаги шартномавий муносабатларнинг, жумладан, ижара шартномавий муносабатларнинг вужудга келиши учун сабаб бўлди.

Рим қонунчилиги бўйича ижара шартномаси учта алоҳида турларга бўлинади: ашёларни ижарага олиш (locatio-conductio regum), хизматлар кўрсатиш (locatio-conductio operarum) ва маълум иш ёки қурилишни амалга ошириш (locatio-conductio operis или operis faciendi). И.Б.Новицкийнинг фикрига кўра мазкур уч шартноманинг бир-бирига ўхшаш тарафи уларнинг бир тарафи бошқа тарафга маълум бир объектни фойдаланишга топширади, иккинчи тараф бўлса бунинг учун маълум миқдорда белгиланган моддий қимматликни беради. Бироқ, И.Б.Новицкий мазкур умумийликни фақатгина ашёларни ижарага олиш ва хизматлар кўрсатишга нисбатан тааллуқли эканлигини, пудрат шартномасига нисбатан бу ҳолат жуда нисбий қўринишга эга эканлигини таъкидлаган.

Қадими рус давлатларида ҳам пудрат институтининг ҳуқуқий асослари шаклланган. Рус хақиқати (“Русская правда”)нинг 39-41-моддаларида маълум бир ишларни бажариш юзасидан келиб чиқувчи муносабатларни тартибга солувчи нормалар белгиланган. Мазкур шартномавий муносабатларда бир томондан давлат раҳбари, иккинчи томондан уста дурадгор ёки ёлловчи бўлган.

Рус хақиқатига асосан шартномалар оғзаки шаклда тузилган. Агар низо келиб чиқса мазкур шартнома шартларидан хабардор бўлган қўшнилар ёки бошқа шахслар судда гувоҳ



бўлиб иштирок этиши мумкин бўлган.

Пудрат институтига оид юқоридаги нормаларга ўхшаш нормаларни биз рус ҳуқуқининг XV асрдаги манбаларидан бўлган, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи Псков суд грамоталарида кўришимиз мумкин. Псков суд грамоталарининг 39, 40, 41 ва 102-моддаларида пудрат институтига тааллуқли бўлган нормалар ўз аксини топган.

Псков суд грамоталарида ҳам шартноманинг тарафлари бўлиб давлат раҳбари ва уста дурдгор ҳисобланган. Бироқ, Псков суд грамоталарининг ўзига хос хусусияти, мазкур грамоталарда шартномаларнинг ёзма тузилиши қоидасининг мустаҳкамланганлигидадир. Агар шартнома ёзма шаклда тузилмаса ва низо келиб чиқса, бундай ҳолатда тарафлар судга мурожаат қилиши мумкин бўлган.

Шунингдек, Псков суд грамоталарида шартномалар бўйича даъво муддати ҳам белгиланган. Унга кўра пудратчи низо келиб чиққанда бир йил ичидан судга мурожаат қилиши мумкин бўлган.

Цивилист олим О.В.Макаров Псков суд грамоталари пудрат муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янгидан дунёга келиши деб ҳисоблаган.

Бундан ташқари, мамлакатимиз тарихида яшаб ўтган буюк аждодларимиз томонидан ҳам бугунги кунгача сақланиб қолган тарихий обидалар, улар хусусидаги тарихий асарлар юртимиз тарихида пудрат ишларидан асосан, давлат эҳтиёжлари учун қурилиш ишларини бажариш мақсадида фаол фойдаланилганлигидан далолат беради. Машхур чет эллик (Эрон, Ҳиндистон каби шарқ мамлакаларидан) қурувчилар ҳам юртимизга таклиф этилиб, саройлар, минора ва мадраса биноларини қурилишида иштирок этишган. Бунда давлат ғазнаси ҳисобидан ҳунармандлар, муҳиндис ва қурувчилар учун муайян даражада ҳақ тўлаб турдилган.

Бундан кўришимиз мумкини юртимиз ҳудудида ҳам ўрта асрларда асосан пудрат муносабатларида бир тарафда давлат ва иккинчи тарафда ҳунармандлар, муҳиндис ва қурувчилар бўлган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистон ҳудудининг катта қисми (Бухоро амирлиги, Кўқон ва Хива хонлиги) Россия империяси томонидан босиб олиниши сабабли маҳаллий аҳоли учун мусулмон ҳуқуқи меъёрлари билан бирга, XIX аср охирлари ва XX аср бошларидан Россия империясининг фуқаролик қонунлари ҳам қўллана бошланган. Бунга сабаб мазкур даврда маҳаллий аҳоли ҳам компаниялар, ширкатлар, заводлар, корхоналар, банклар ташкил этишни бошлаган, Россия ва бошқа хорижий тадбиркорлар билан фаол муносабатга киришган. Уларнинг қимматбаҳо қоғозлар, тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатлари бевосита Россия фуқаролик қонунлари билан тартибга солинган. Бу даврларда фуқаролик муносабатлари ўзига хос дуалистик асослар – мусулмон ҳуқуқи ва Россия империяси қонунлари билан тартибга солинган.

Шунингдек, пудрат институтининг ривожланиш тарихи ҳақида гапирганда 1835-йилда қабул қилинган Фуқаролик қонунлари тўпламини такидлаб ўтиш зарур ҳисобланади. Мазкур тўпламда пудрат институти билан боғлиқ шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар алоҳида муносабат шакли сифатида тартибга солинган. Тўпламнинг 1737-моддасида пудрат шартномаси тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра пудрат шартномаси бўйича бир тараф маълум бир ишларни бажариш, иккинчи тараф эса бунинг учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Биламизки, ҳозирги кунда ҳам пудрат шартномаси юзасидан замонавий фуқаролик қонунчилигига шунга ўхшаш тарифлар берилган. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 631-моддасида, Россия Федерация Фуқаролик кодексининг 702-моддаси биринчи қисмида ҳамда Қозогистон Республикаси Фуқаролик кодекси 616-моддасининг биринчи қисмида пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буортмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буортмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буортмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади деб белгиланган.

1900-йилда қабул қилинган “Газна пудрати ҳақида”ти Низомда пудрат муносабатларининг амал қилиш соҳаси, пудратчилар ва давлат номидан ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси, уни тузиш учун ўтказиладиган танлов савдолари тартиби, баҳо, муддат ва мажбуриятларни ижро қилиш усуллари (неустойка, гаров, закалат)га нисбатан



махсус тартиб ўрнатилган эди. Г.Ф.Шершенивичнинг фикрича, закалат тушунчаси хазинага нисбатан хотўғри кўлланилган, бунда “закалат” ўрнига “қарз мажбуриятлари” назарда тутилиши керак деб ҳисоблаган. Хазина мажбуриятларнинг таъминланиши учун жуда ишончли шартнома тарафи ҳисобланади ҳамда ишларнинг бажарилиши учун бериладиган маблағ гаров орқали амалга оширилади, закалатнинг ўзи эса буни таъминлай олмайди.

XIX асрнинг таникли цивилист олимни Д.И. Мейер пудрат шартномаси хақида қўйидаги фикрларни билдирган: “...пудрат шартномаси амалиётда жуда ҳам кам учрайди. Агар киши маълум бир ишни қилишга муҳтож бўлса унда, ижара шартномаси ёки шунга ўхшаш бошқа шартномалар тузиш орқали ўз мақсадига эришади. Шунга кўра, мазкур шартномалар мазмунига кўра бир хил ҳисобланади”.

Д.И. Мейернинг фикрига кўра пудрат институтининг XIX асрда кенг ривожланмаганлиги, мазкур шартноманинг амалиётда кўп ҳолатларда кўлланилмаганлиги билан боғлиқ ҳисобланган.

Пудрат шартномасининг шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичларини кўриб чиқиб, Д.И. Жамалутдинов пудрат шартномасини тартибга солишнинг хукукий асосларининг шаклланиш жараёнини қўйидаги бир неча босқичларга ажратиб кўрсатган.

Биринчи босқич – XI-XVII асрлар Рим қонунчилигига пайдо бўлган тамойиллар ва қоидалар асосида пудрат институтининг вужудга келиши. Мазкур босқичда пудрат шартномаси бошқа шартномалардан катта фарққилмаган.

Иккинчи босқич – XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмини ўзида қамраб олиб, мазкур даврда давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий муносабатлардаги ривожланиши натижасида, шартномавий муносабатлар ҳам такомиллашиб борган. Пудрат институти мазкур босқичда асосан давлат бюртмалари, ҳарбий мақсадларда кўлланилган. Бироқ, мазкур даврда ҳам пудрат институтининг тўлиқ норматив-хукукий базаси шаклланмаган.

Учинчи босқич – XIX асрнинг ўрталаридан – XX асрнинг охиригача бўлган даврни ўз ичига олиб, мазкур босқичда пудрат ва ижара шартномалари бир-биридан ажратилган. Мазкур даврда машҳур цивилист олимлар Д.И. Мейер, Г.Ф. Шершенивичлар пудрат институтининг хукукий асосларини шакллантириша катта ҳисса қўшганлар.

Тўртинчи босқич – XX асрнинг охиридан ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олиб, мазкур даврда дунё давлатларида пудрат институти алоҳида институт сифатида шаклланди, унинг фуқаролик-хукукий асослари яратилди, халқаро миқёсда пудрат шартномавий-хукукий муносабатларини тартибга солувчи қоидалар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг юртимизда пудрат институти ривожланишининг янги бир босқичи бошланди деб ҳисобласак бўлади.

Бунда биринчи ўринда биз 1996-йил 29-августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (иккинчи қисми)ни келтиришимиз мумкин. Мазкур кодексда пудрат институтининг асосий тушунча ва қоидалари ўз аксини топди. Шундан сўнг соҳага оид бўлган бир қатор қонун, қонун ости ҳужжатлар, Олий суд Пленум қарорлари ва турли соҳага оид бўлган бошқа ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси, Ер кодекси, Шаҳарсозлик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизими ни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартағи 135-сонли қарори билан тасдиқланган “Объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги ва шартнома қўйматига нисбатан маблағлар тежалганлиги учун пудратчи ташкилотни буюртмачи томонидан мукофотлаш” Тартиби, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарори билан тасдиқланган “Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари.

Курилиш тармоғини янада такомиллаштириш, архитектура ҳамда қурилиш органлари ва муассасаларини изчил ривожлантириш механизмларини шакллантириш, давлат бошқарув тизимининг самарадорлигини таъминлаш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-



6119-сонли Фармонини қабул қилинди.

Мазкур Фармон ҳам қурилиш пудрати соҳасида мавжуд муносабатларни тартибга со- лишни янада такомиллаштиришга катта ҳисса кўшди деб ҳисобласак бўлади. Фармоннинг энг асосий жиҳати соҳада кўпроқ рақамли технологияларни жорий этиш масалаларининг белгилангани ҳисобланади. Бу орқали биз шартномавий-хуқуқий муносабатларнинг шаф- фоғлигига эришишимиз мумкин бўлади.

Хуоса қилиб айтадиган бўлсак, пудрат институти хуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши жараёни қадимги тариҳдан бошланган бўлиб, бу жараён ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда. Жаҳонда иқтисодиётнинг, аҳоли ижтимоий ҳайтининг ривож- ланиши, давлатларда демографик ҳолатнинг ўсиши ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар билан келажакда ҳам пудрат институтини тартибга солиш юзасидан янгича асослар шаклланти- риш ва уларни такомиллаштириб бориш зарурияти туғилиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Римское частное право: Учебник / Под ред. И.Б. Новицкого и С.И. Перетерского. М., 1994. С. 445.
2. Летяев В.А. Рецепция римского права в России XIX - начала XX в. (историко-правовой аспект). Волгоград, 2001. С. 215.
3. Александров М.С. Эволюция института строительного подряда в отечественном праве XVII – XX вв.: историко-правовое исследование: Дисс. ...канд. юрид. наук. Белгород, 2011. С. 17.
4. Римское частное право: Учебник / Под ред. И.Б. Новицкого и С.И. Перетерского. М., 1994. С. 445.
5. Тихомиров М.Н. Пособие для изучения Русской Правды. М., 1953. С. 126.
6. Макаров О.В. Правовой режим строительства, реконструкции и капитального ремонта объектов недвижимости в жилищной сфере: содержание и проблемы // История государства и права. 2011. № 4. С. 16.
7. Закиров И.Б. Становление и развитие советского гражданского права в БНСР и ХНСР. -Тошкент: Фан, 1988. -60-65 б.
8. Победоносцев К.П. Курс гражданского права. Ч. 3: Договоры и обязательства. URL: http://civil.consultant.ru/elib/books/17/page_56.html#74
9. Тютримов И.М. Законы гражданские с разъяснениями правительственно сената и комментариями //. СПб., 1911. Б. 1949-1954.
10. Шершенивич Г.Ф. Учебник русского гражданского права. – М.: 1912. – 614 б.
11. Мейер Д.И. Русское гражданское право. URL: http://civil.consultant.ru/elib/books/45/page_74.html#92



**JAMIYATDA HUQUQIY ONG VA HUQUQIY MADANIYATNI YUKSALTIRISHDA
HUQUQIY TARG'IBOTNING ROLI**

Maxmudova Hurmatoy Muxtorovna
Buxoro viloyati Yuridik texnikumi talabasi
+99891 924-84-09
Thurmat156@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqola Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksalishida huquqiy targ'ibotning roli va ahamiyatining muhim jihatlari hamda bunga yaratib berilayotgan shart sharoitlar yoritib berilgan.

Tayanch so'zlar: huquqiy ong, huquqiy madaniyat, huquqiy targ'ibot, Adliya vazirligi, huquqiy axborot, normativ-huquqiy hujjatlar, inson huquqlari

Huquqiy targibotning jamiyat rivoji uchun ahamiyati: Huquqiy targibotfuqarolarni davlat va jamiyat hayotida yuz berayotgan so'nggi o'zgarishlardan xabardor qilish ijtmoiy fikrni yanada sog'lomlashtirish, jamiyatda ijtimoiy axborot xavfsizligini ta'minlash va jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirishga muhim o'rinn tutadi. Bu borada huquqiy targ'ibot orqali mamlakat hayoti va rivoji uchun qabul qilinayotgan eng so'ngi qonunlar, qarorlar va barcha sohadagi normativ huquqiy hujjatlarning tub mohiyati va ahamiyatini aholiga tushuntirish va bu orqali fuqarolarning qonunchilikda o'z fikr mulohazalari va fikrlarini shuningdek, takliflarini bildirishlari uchun, o'zlarining huquq va erkinliklarini yanada yaxshiroq bilishlari va foydalanishlari uchun shart-sharoit yaratib berishligi bilan ahamiyatlidir. O'z vakolati doirasida O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining aholi o'rtasida olib borilayotgan seminar treninglar, sayyor qabullar, turli boshqa keng qamrovli huquqqiy tadbirlari orqali xalq bilan to'g'ridan- to'g'ri muloqat qilishga va barcha sohadagi normativ huquqiy hujjatlarning tub mohiyati va ahamiyatini aholiga tushuntirish orqali keng targ'ib qilib kelmoqda. Bu esa jamiyatda huquqqiy ong va huquqiy madaniyatni o'sishida sezilarli ta'sir qiladi, albatta.

Huquqiy ong - ijtimoiy ong shakli; jamiyat a'zolarining mayjud huquqiy munosabatlar va huquqni tushunishi, huquq-tartibot haqidagi tasavvurida o'z aksini topadi. Huquqii ong nafaqat amaldagi huquq, balki uning tarixi, shuningdek boshqa jamiyatlardagi voqeijklarni bilishni ham o'z ichiga oladi. Alovida shaxs, guruh va jamiyatning Huquqii ongi ajratib ko'rsatiladi. Huquqiy ong huquqiy mafkura va huquqiy psixologiyadan tashkil topgan. Huquqiy mafkura — har xil huquqiy hodi-salar haqidagi nuqtai nazar, tushun-cha, g'oya va qarashlarning ilmiy umumlashtirilgan tizimidan iborat. Huquqii ongning huquqiy mafkura qismida aksini topgan huquqiy hodisalar huquqqa bag'ishlangan maxsus nazariy izlanishlarda o'z rivojini topib, ilmiy darajada anglab yetiladi. Bunday ilmiy asarlarning mazmuni odamlar ma'naviy mulkiga aylanib, ularning ongiga aniq huquqiy bilimlarni, mulohazalarni, e'tiqod va kayfiyatni olib kiradi. Huquqiy mafkura shaxsning Huquqiy ongini ilmiy asosda shakllantira borib, huquqqa, odamning huquqqa bo'lgan munosabatiga hal qiluvchi ta'sir qiladi. Huquqiy psi-xologiya huquqiy hodisalarni hissiyot bilan anglashdir. Odam ijtimoiy hodisalarni, jumladan, huquqiy munosabatlarni nafaqat aql bilan, balki sezgi bilan ham tushunib yetadi.

Huquqii ong darajasi jamiyat a'zolarining huquqiy ma'lumotlariga ham bog'liqdir. Shunga ko'ra, fuqarolarning huquqiy madaniyat darajasini ko'tarishga ko'mak beradigan huquqiy axborot tizimini tashkil qilishning ahamiyati katta. Huquqiy madaniyatning darajasiga qarab, huquqiy ong 3 turga ajratiladi: oddiy, ilmiy va kasbiy. Oddiy Huquqiy ong, odatda, o'z-o'zidan vujudga keladi va odamning shaxsiy tajribasi, huquqiy hodisalar bilan bog'liq bo'lgan hayotiy vaziyatlar haqidagi tushunchasi bilan belgilanadi. Bunga odamning ishga joylashuvidagi yoki oliy o'quv yurtiga kirish qoidalari yo bo'lmasa yo'l qoidasini buzganligi uchun javobgarligi haqidagi bilimlar misol bo'la oladi. Huquqiy ong borliq haqidagi oddiy tushunchalar chegarasida qolib ketmaydi, doimo rivojlana borib, nazariy, ilmiy tushunchaga aylanadi. Ilmiy Huquqiy ong ijtimoiy huquqiy haqiqatni u yo bu darajada to'g'ri aks ettiruvchi bilimlar tizimini o'z ichiga oladi. Kasbiy Huquqiy ong esa yuridik oliy o'quv yurtlarida o'qish natijasida shakllanadi, so'ngra, huquqiy amaliyot jarayonida sayqallanadi. Huquqiy fanlar vakillari, huquqshunos amaliyotchilar uning sub'yektlari hisoblanadi.

Huquqiy madaniyat –insonlarning davlat va huquq haqidagi muhim bilimlarini egallab olish



darajasi, kishining qonunlarni bilish va ular asosida yashash borasida ortirgan tajribasi, umumiy huquqiy saviyasidir.Jamiyat hayotining ijtimoiy-siyosiy sharoitlari, uning madaniyhuquqiy, demokratik yoki avtoritar an'analariga munosabati va ongli ravishda huquqni qo'llay olish va o'zgalar manfaatiga zid kelmaydigan tarzda amalga oshirish bilan belgilanadi. Qonunlarni bilish, ularga rioya etish, o'z huquqlarini, erkinliklarini va burchlarini tushununib yetish har bir fuqaroning yuksak ma'naviy fazilatidir.Bu adolatli, demokratik, huquq ustivorligiga asoslangan yangi jamiyat qurishning ham kafolatidir.Xuddi shu ma'noda yoshlarimiz, talabalarimiz huquqiy bilimlarini chuqur o'zlashtirishva siyosiy ongini rivojlantirishlari uchun bugungi kunda barcha shart-sharoitlar yaratilgan. Fuqarolarning o'z huquq va qonuniy manfaatlarini bilishi, burchlariga qat'iy rioya etishi jamiyatda qonun ustivorligiga erishish va huquqiy madaniyatning yuksalishida muhim ahamiyatga ega. Shu bois aholining huquqiy madaniyatini oshirish davlatimiz siyosatining muhim yo'nalishlaridan biri sifatida belgilangan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "**Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to'g'risida**" 2019-yil 9-yanvardagi PF-5618-son Farmoni bilan aholining huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini yuksaltirishga munosib hissa qo'shgan davlat organlari va tashkilotlar xodimlarini rag'batlantirish maqsadida "Huquqiy targ'ibot ishlari a'lochisi" ko'krak nishoni ta'sis etilganligibuning yaqqol dalilidir.Ushbu farmon ijrosini ta'minlash maqsadida Vazirlar Mahkamasining qarori bilan "Huquqiy targ'ibot ishlari a'lochisi" ko'krak nishoni to'g'risidagi Nizomni tasdiqlash haqida 2019-yil 22-martdagি 240-son qaroriqabul qilinib, ushbu nizom tasdiqlandi.

Nizomga ko'ra, ko'krak nishoni bilan jamiyatda aholining huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini yuksaltirishga munosib hissa qo'shgan davlat organlari va tashkilotlar xodimlari aholining huquqiy savodxonligini oshirishda ko'rsatgan xizmatlari uchun taqdirlanadilar.

Shuningdek,Qonunchilik palatasi tomonidan 2017-yil 15-avgustda qabul qilinib, Senat tomonidan 2017-yil 24-avgustda ma'qullangan "Huquqiy axborotni tarqatish va undan foydalanishni ta'minlash to'g'risida"gi Qonun ham aynan jamiyatda huquqiy axborotni tarqatish va undan foydalanishni ta'minlash sohasidagi munosabatlarni tartibga solish maqsadida qabul qilingan. Huquqiy axborotni tarqatish va undan foydalanishni ta'minlashning asosiy prinsiplari huquqiy axborotni tarqatish hamda undan foydalanishni ta'minlashning oshkoraliqi, ochiqligi, o'z vaqtidagi, huquqiy axborotni izlash va olish erkinligidan qay tartibda foydalanish to'g'risidabarcha qoidalar belgilangan.

Huquqiy axborot - normativ-huquqiy hujjatlarning, ularga oid rasmiy sharhlarning, normativ-huquqiy hujjatlarning qo'llanilish tartibi to'g'risidagi tushuntirishlarning, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudi qarorlarining, O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining qonun hujjatlari qo'llanilishi masalalari bo'yicha qarorlarining matnlari, shuningdek sud amaliyotini umumlashtirish materiallaridir.

Huquqiy axborotdan foydalanish - huquqiy axborotni erkin olish va undan foydalanish imkoniyati; huquqiy axborotni tarqatish - nomuayyan doiradagi shaxslarni huquqiy axborot bilan tanishtirishga qaratilgan harakatlardir.

Shuningdek, ushbu Qonunda O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huquqiy axborotni tarqatish va undan foydalanishni ta'minlash sohasidagi maxsus vakolatli davlat organi ekanligi va huquqiy targ'ibot ishlarini amalga oshirishligi to'g'risida belgilangan.

Shu bilan birga, Vazirliklar, davlat qo'mitalari va idoralar, tashkilotlar, mahally davlat hokimiyat organlari, axborot kutubxona muassasalari, ta'lim muassasalari, fuqarolarni o'zini o'zi boshqarish organlari, nodavlat notijorat tashkilotlari hamda fuqarolar o'z vakolatlari doirasida:huquqiy axborotni belgilangan tartibda tarqatadi, shu jumladan normativ-huquqiy hujjatlarni yuborish, e'lon qilish, o'z rasmiy veb-saytlariga joylashtirish orqali tarqatadi; o'zi qabul qilgan normativ-huquqiy hujjatlarning matnlarini hamda zarur bo'lган taqdirda, ularga doir axborot-tahliliy materiallarni yuborish va rasmiy e'lon qilish uchun O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligiga yo'llaydi.Huquqiy axborotni tarqatish va undan foydalanishni ta'minlash tartibi, huquqiy axborotni tarqatish usullari quyidagicha belgilangan: normativ-huquqiy hujjatlarning matnlarini yuborish;normativ-huquqiy hujjatlarni rasmiy e'lon qilish;normativ-huquqiy hujjatlarni norasmiy e'lon qilish;huquqiy targ'ibotni amalga oshirish;jismoniy va yuridik shaxslarga ularning so'rovlariga ko'ra huquqiy axborot taqdim etish va boshqalar... Normativ-huquqiy hujjatlarni huquqiy targ'ibot yo'li bilan tarqatish barcha davlat organlari va tashkilotlar, shuningdek xo'jalik boshqaruvi organlari tomonidan amalga oshiriladi. Nodavlat



notijorat tashkilotlari ham huquqiy targ‘ibotni amalga oshirishi mumkin.

Huquqiy targ‘ibot usullari:

Huquqiy targ‘ibot quyidagi usullarda amalga oshiriladi:

konferensiylar, uchrashuvlar, seminarlar, davra suhbatlari va muloqotlar o‘tkazish;

ommaviyaxborotvositaliorqali, shujumladanteleko‘rsatuvlarvaradioeshittirishlarnitashkiletish, bosmavaelektronommaviyaxborotvositalarigamaqolalarvahuquqiy-axborotmateriallarini joylashtirishorqali;

sharhlar, risolalar, plakatlar, bukletlar va flayerlar tarqatish;

ijtimoiyreklamalar (videolavhalar, infografikalarvaboshqalar) hamdatarg‘ibotning qonunhujjatlaribilantaqiqlanmaganboshaturlariorqali.

Davlat organlari va tashkilotlarning huquqiy targ‘ibot sohasidagi ishlarini muvofiqlashtirish Huquqiy targ‘ibot va ma’rifat bo‘yicha davlat organlari ishlarini muvofiqlashtirish bo‘yicha idoralararo kengash hamda uning hududiy komissiyalari tomonidan amalga oshiriladi.

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzurida tashkil etilgan Toshkent Davlat Yuridik Universiteti talabalari, Qoraqalpag’iston Respublikasi, Toshkent shahar, viloyatlar Yuridek Texnikumlari va TDYU qoshidagi Akademik litseyning ixtiyoriy o‘quvchilaridan tashkil etilgan “Adolatqa-notlari” klubining faol a’zolari tomonidan ham qonunchilikdagi yangiliklar va normativ huquqiy hujjatlarning tub mohiyati va ahamiyati keng targ‘ib qilib kelmoqda. Bu esa jamiyatda huquqqiy ong va huquqiy madaniyatni rivojlanishida, fuqarolarning jamiyatdagi o’zgarishlarga va qonunchilikdagi yangiliklarga befarq bo’lmasdan faol bo’lishlarida oz bo’lsada o’z hissasini qo’shib kelmoqda. Garchi, “Adolat qanotlari” klubining tashkil etilganiga ko’p bo’limgan bo’lsada aholi qatlamlari orasidagi targ‘ibotlari orqali o’z o’rniga ega bo’lib bormoqda. Shuningdek, yaqin kelajakda “Adolat qanotlari” klubning jamiyat uchun eng kerakli, salohiyatli, huquqiy bilimi va saviyasi, tajribasi yuqori bo’lgan kadrlarni tayyorlashdagi qo’shayotgan hissasi bilan ham ahamiyatlidir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to‘g‘risida” 2019-yil 9-yanvardagi PF-5618-sen Farmoni

2. Vazirlar Mahkamasining qarori bilan “Huquqiy targ‘ibot ishlari a’lochisi” ko’krak nishoni to‘g‘risidagi Nizomni tasdiqlashto‘g‘risida”gi 2019-yil 22-martdagi 240-sen qarori

3. Qonunchilik palatasi tomonidan 2017-yil 15-avgustda qabul qilinib, Senat tomonidan 2017-yil 24-avgustda ma’qullangan “Huquqiy axborotni tarqatish va undan foydalanishni ta’minlash to‘g‘risida”gi Qonun

4. Internet tarmog’idan olingan ma’lumotlar



MUSTAQILLIK VA DAVLAT GERBI: KECHA, BUGUN, ERTAGA

Ayjamal Toqsanbaeva
Berdaq nomidagi Qoraqalpoq Davlat Universiteti
Yuridika fakulteti talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada davlatimizning mustaqillikga erishishi va bu orqali ega bo'lgan huquq va erkinliklari tog'risida va shu bilan bir qatorda davlat ramzlaridan biri bo'lgan Davlar gerbi, uning qabul qilish tarixi hamda davlat ramzlarimizning jamiyattagi hurmatini oshirishga qaratilgan bir necha takliflar muhokama qilingan.

Kalit so'zlar: Mustaqillik, demokratik jamiyat, Davlat ramzlari, xalqaro talablar, jahon ham-jamiyat, Davlat gerbi, humo qushi, suverenitet timsoli, jinoiy javobgarlik.

Mustaqillik bu in'om emas, balki butun xalqning, millionlarning uzoq yillik intilishi tufayli qo'lga kiritilgan buyuk g'alaba. Zotan, O'zbekistonning davlat mustaqilligiga ega bo'lganligi katta tarixiy ahamiyatga ega voqeа hisoblanadi.

Birinchidan, shuni uqtirish lozimki, o'zbek xalqi o'z taqdirini o'zi belgilash huquqiga ega bo'ldi, xalq davlat hokimiyatining birdan-bir sohibi, egasi, xo'jayini bo'lib qoldi.

Ikkinchidan, O'zbekiston mustaqilligi respublikada adolatli, demokratik insonparvar jamiyat qurish uchun yo'l ochib berdi, o'z milliy davlatchiligin barpo qilishga imkoniyat yaratdi.

Uchinchidan, mustaqillik tufayli O'zbekiston xalqaro miqyosda o'zini tanitish, ayni chog'da xalqaro hquq me'yordi asosida jahondagi barcha davlatlar bilan teng hamkorlik qilish imkoniyatini qo'lga kiritdi. Jahon xaritasida O'zbekiston yangi, yosh mustaqil davlat sifatida o'z o'rniiga ega bo'ldi.

To'rtinchidan, iqtisodiyotda tub o'zgarishlar qilish uchunimkoniyat yaratildi, ya'ni jahon amaliyoti isbotlagan bozor iqtisodiyotiga o'tish uchun sharoit barpo etildi. Mulkga munosabat tubdan o'zgarib, jamiyatda yangi mulkdorlar sinfini shakllantirish uchun imkoniyatlar ochildi.

Beshinchidan, mustaqillik xalqning ma'naviy uyg'onishi uchun to'la imkoniyat yaratdi. Yurt tarixi, qadimiylar madaniyat tiklana boshladi. Xalqning azaliy urf-odatlari, ma'naviy qadriyatlari unga qaytarib berildi. Dinga munosabat mutlaqo o'zgardi.

Shunday qilib, qo'lga kiritilgan mustaqillik o'zbek xalqi tarixida tamoman yangi davrni boshlab berdi, milliy dunyoqarashda yangicha tafakkur shakllana bordi. Xalq yengil nafas olish imkoniyatiga ega bo'ldi. U endi keljakka ishonch bilan qaray boshladi. O'z yurtining to'la xo'jayini ekanligini, o'z taqdirini o'zi belgilash imkoniyatini qo'lga kiritganligini his qila boshladi. Bu buyuk olamshumul yutuq edi.

O'zbekiston davlat mustaqilligiga erishgach, o'zining xalqaro talablar va me'yorlar doirasida qiyofasini ko'rsatmog'i, buning uchun esa o'zining butun imkoniyatlarini, o'ziga xos jihatlarini ifodalovchi davlat ramzlariga ega bo'lmog'i lozim edi. Odatda ramzlar shunchaki ranglar yig'inidisidan iborat bo'lgan shakllar emas, ular ayni ana shu davlatning va shu mamlakatning fuqarolarining o'zligidan kelib chiqqan, qolaversa, davlat siyosatining mazmun-mohiyatini o'zida mujassam etmog'i kerak.

O'zbekiston o'z mustaqilligining dastlabki kunlaridanoq ana shu muhim siyosiy hodisaga alohida e'tibor bilan qaradi. Buning isboti O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 5-moddasida "O'zbekiston Respublikasida qonun bilan tasdiqlanadigan o'z davlat ramzlari – bayrog'i, gerbi va madhiyasiga ega"¹, - deya mustahkamlab qo'yilgan. Chunki juda qisqa fursatda o'z mustaqilligini qonun bilan mustahkamlab, uning jahon hamjamiyatida ta'n olinishiga erishish tarixiy-olamshumul voqeа edi. Bir qator yosh mustaqil mamlakatlarda turli siyosiy qarashlar jazavaga kelib, fikrlar chuvalashib, "kalavaning uchi topilmay qolgan" bir paytda O'zbekiston o'zining har bir kuniga va olis istiqboliga qat'iy ishonch bilan qaradi, shuning uchun ham u, eng avvalo, davlat ramzlarini qabul qilib, dunyoga ko'z-ko'z etib, uni tan oldirish yo'lidan bordi. Xalqimizning madaniyati til va ramzlarga tayanadi. Uzoq yillik tarixiy taraqqiyotimizda ham davlat ramzlari o'ziga xos o'rin tutishini anglatadi. Milliy bayrog'imiz hamda gerbimiz nafaqat davlatchilik an'analarini balki or-nomus va mushtarak orzu-niyatlarni ham o'zida aks ettiradi. Mahmud Qashqariyning "Devonu lug'atit turk" asarida keltirilganidek, qadimda turkiylarda podshohning hukmdorlik tamg'asi dav-

¹ O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi Toshkent – "O'zbekiston"- 2019 6-bet



latchilik an'analarini o'zida aks ettirgan. Amir Temur tamg'asi ham sohibqiron barpo etgan qudratli davlatning ramzi sifatida unda bitilgan "Kuch-adolatda" shiorining hayotiyligini ta'minlashga xizmat qilgan.

Shu ma'noda, mustaqil davlatimiz gerbi markazida baxt va olivjanoblik timsoli bo'lgan afsonaviy Humo qushini baxt qushi sifatida tasavvur etib kelgan. Shuning o'zi o'zbek xalqning baxtga va mustaqil davlatchilikka erishish azaliy orzulari bir biri bilan chambarchas bog'liq ekanligini yana bir bor ko'rsatib turibdi. Odatda, dunyo ommaviy axborot vositalari davlatlarning yutuqlari haqidagi yangiliklarga to'la, ularning timsollarida burgut, sher kuch va qudratni ifodalovchi boshqa ramzlar tasvirlangan. Endi ularning safida bizning davlatimiz gerbida Humo qushi bor, davlat qadimiy va shu bilan birga yosh, oldiga ulkan maqsadlarni qo'yadi. Humo ko'p asrlik ezgulik, olivanoblik, ijodkorlik, axloqiy poklik, halollik va adolat, rahm-shafqat va saxovat ramzi hisoblanadi. Endi bu qush baland parvozga shoshildi. Butun dunyo aniq yutuqlarda mujassam bo'lgan ezgu maqsadlarga intilishni ko'rmoqda. Hozirgi real o'zgarishlar bizni yuqoriga va oldinga olib boradi.

"O'zbekiston Respublikasining Davlat gerbi to'g'risida"gi Qonunida: "O'zbekiston Respublikasining fuqarolari, shuningdek, O'zbekistonda turgan boshqa shaxslar, O'zbekiston Respublikasining Davlat gerbini hurmat qilishlari shart. O'zbekiston Respublikasining Davlat gerbi to'g'risidagi qonunchilagini buzganlikda aybdor shaxslar belgilanga tartida javobgar bo'ladi".¹

Jinoyat kodeksiga asosan, O'zbekiston Respublikasi yoki Qoraqalpog'iston Respublikasining Davlat bayrog'i, Davlat gerbi yoxud Davlat madhiyasiga humatsizlik qilish bazaviy hisoblash miqdorining 25 baravarigacha miqdorda jarima yoki 360 soatgacha majburiy jamoat ishlari yoxud 3 yilgacha axloq tuzatish ishlari bilan jazolanadi.²

Gerb nafaqat jamiyatning hozirgi holatini, balki uning rivojlanish tarixini ham aks ettiradi. Respublikamiz barqarorlik, totuvlik va farovonlikning namunasidir. Mehnatsevar, mehmondo'st odamlar O'zbekistonda o'z ishi va tug'ilgan yurtiga sadoqat bilan yashaydilar, o'zлari va yaqinlari uchun yaxshi kelajakka intilishadi. Shubhasiz, respublikamiz gerbidagi ranglar va ramzlar yuqorida barcha narsani aks ettiradi.

Davlat gerbi davlatimiz kuch-qudrati, hurlik va buyuk orzu-maqsadi timsoli sifatida ham g'oyaviy ham tarbiyaviy ahamiyatga ega. Yangi O'zbekistonda davlatimiz ramzlaridan foydalanish madaniyatini yangicha yondashuvlar bilan rivojlantirish davr talabi bo'lib qolmoqda. Davlat ramzlarining xalqimizning tarixiy ildizlari bilan chambarchas bog'liqligidan kelib chiqib, ularning estetik jihatlari bilan tanishtirish bilan boshlash maqsadga muvofiqdir. Masalan, mакtabgacha yoshdagagi bolaga ertak, qo'shiq va xalq og'zaki ijodi yaqin. Ularning yorqinligi va go'zalligi davlat gerbi va bayrog'iga ijobiy munosabatni shakllantirishga yordam beradi.

Bugungi kunda internet va ijtimoiy tarmoqlarda yoshlarga davlat ramzlarini o'rgatishni yangicha yondashuvlar asosida amalga oshirish muhim. Bu borada yoshlarning huquqiy ong va huquqiy madaniyatini oshirishga qaratilgan tadbirlari doirasida davlat ramzlar bo'yicha onlayn intellektual o'yinlar, viktorinalar tashkil etish maqsadga muvofiq.

Yana bir muhim jihat, tarixiy nuqtai nazardan o'zbek davlatchiligi ramzlarini o'rgangan paytda biz faqat bugungi kundagi zamonaviy O'zbekiston hududidan kelib chiqib emas, balki o'zbek xalqining shakllanishida muhim bo'lgan ko'plab davlatlarni tarixiy tamg'alarini mukammal o'r ganishimiz lozim. Bu, o'z navbatida, qardosh xalqlar umumiy tarixga egaligi, o'tmishi ham ertasi ham bir biri bilan uzviy bog'liq ekanligini o'rganishga yordam beradi.

Shuningdek, davlat ramzlarini ommalashtirish maqsadida maxsus ruxsatnomalar asosida davlat bayrog'i va gerbidan tijorat maqsadlarda foydalanishga yengillik berish maqsadga muvofiq. AQSH, Fransiya, Yaponiya kabi rivojlangan mamlakatlar tajribasidan kelib chiqib aytish mumkinki, fuqarolarning davlat ramzlaridan tijorat maqsadlarida foydalanish vatanparvarlikka, fuqaro va davlatning yakkalligiga xizmat qiladi. Shu bilan birga, nodavlat notijorat tashkilotlar o'tkazayotgan tadbirlarda davlat ramzlaridan foydalanishga ruxsat berilishi maqsadga muvofiq.

Davlat ramzlar dunyoda O'zbekiston deb nomlangan erkin davlat mavjudligidan dalolat beradi. Bular suverenitetning timsoli sifatida yosh avlodni vatanparvarlik, yuksak ma'naviy tamoyil, milliy qadriyatlar va urf-odatlarga hurmatda tarbiyalashda muhim rol o'ynaydi. Davlat gerbi bizda doimo Vatandan faxrlanish tuyg'usini uyg'otadi, mustaqillikni mustahkamlashga da'vat etadi,

¹ O'zbekiston Respublikasi Davlat gerbi to'g'risida"gi Qonuni 8-modda

² O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi . –T.: Adliya vazirligi, 2019 215-modda



yangi marralarni zabit etishga undaydi. Ushbu ramz O'zbekiston xalqining o'tmishi, buguni va kelajagini o'zida mujassam etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi Toshkent – “O'zbekiston”- 2019
2. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi . –T.: Adliya vazirligi, 2019
3. “O'zbekiston Respublikasi Davlat gerbi to'g'risida”gi Qonuni 1992
4. H.Boboyev, A.Saidov “O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini o'rganish” darslik Toshkent - “O'zbekiston” - 2001
5. https://uz.m.wikipedia.org/wiki/O%CA%BBzbekiston_Respublikasi_davlat_gerbi



**ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ЭХТИЁЖЛАРИ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ
ОЛИБ КУЙИЛИШИГА ОИД БЎЛГАН КОНУН ХУЖЖАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ**

Х.А.Мухаммадиев

Жиззах вилоят прокуратураси
бўйим бошлиги аддия масалаҳатчиси

Д.А.Тайлаков

Жиззах вилоят прокуратураси
бўйим прокурори 2-даражали юрист

Аннотация. Мақолада давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилишининг хуқуқий асослари, давлат ва жамоат эҳтиёжларининг хорижий тушунчалари, соҳага оид хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили, миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришга оид таклифлар келтирилган.

Аннотация. В статье представлены правовые основы изъятия земель для государственных и общественных нужд, зарубежные понятия государственных и общественных нужд, анализ зарубежного законодательства в данной сфере, предложения по совершенствованию нашего национального законодательства.

Annotation. The article presents the legal basis for the acquisition of land for state and public needs, foreign concepts of state and public needs, an analysis of foreign legislation in this area, proposals for improving our national legislation.

Калит сўзлар: давлат ва жамоат эҳтиёжи, ер участкаларини олиб қўйиш, хуқуқий асос, мулкдорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш принциплари, хорижий тажриба, қонунчиликни такомиллаштириш, яхлит қонун.

Ключевые слова: государственные и общественные нужды, изъятие земель, правовая база, принципы защиты прав собственности, зарубежный опыт, совершенствование законодательства, единый закон.

Keywords: state and public needs, land acquisition, legal basis, principles of property rights protection, foreign experience, improvement of legislation, uniform law.

Маълумки бирор давлат ривожланган давлатлар қаторига киришни мақсад қиласад экан, буни, албатта мамлакатнинг архитектура-шаҳарсозлик тизимини такомиллаштиришсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қурилишларни пухта ишланган режа асосида амалга ошириш эса уларнинг барқарорлигини таъминлайди. Лекин айрим объектларни қуриш шунчаки кечмайди, яъни қурилиш режалаштирилаётган жойда истиқомат қилувчи фуқароларни кўчириш, уларнинг тураг жойларини бузиш, уларга бошқа тураг жой бериш, компенсация масалалари билан хисоблашишни, вақт ва сарф-харажатлар қилишни тақозо этади ҳамда ушбу жараён маълум бир хуқуқий тартибга эга.

Миллий қонунчилигимизда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги ишлар бўйича қўйидаги хуқуқий асосларни келтириш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси;
3. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси;
4. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси;
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
6. Ўзбекистон Республикасининг 24.09.2012 йилдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5490-сон Фармони 16-банди;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сон Фармони;
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектла-



рининг мулк хуқуки кафолатланишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 3 августдаги Ф-5491-сон фармойиши;

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги "Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 1047-сон қарори;

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк хуқуqlари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 911-сон қарори.

Кўриб турганимиздек ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиши ҳақидаги муносабатлар тури қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниб келинмоқда, ушбу ҳолат норматив-хуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллашда маълум бир қийинчиликларни вужудга келтириши эҳтимолдан холи эмас албатта.

Жумладан, ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши қанақа мақсадларда амалга оширилиши мумкинлиги ҳақидаги айни бир хил нормалар Ер кодексининг 37-моддасида, Шаҳарсозлик кодексининг 82-моддасида, Вазирлар Маҳкамасининг 16.11.2019 йилдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган "Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган қўчмас мулк обьектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 2-бандида келтирилган.

Ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиши масаласининг ўта муҳимлигини инобатга олиб ҳамда ушбу масалага оид қонунчиликнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини компенсация эвазига олиб қўйиши масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларни такомиллаштириш, жумладан ушбу қоидаларни қонун даражасида мустаҳкамлаш, айниқса мазкур муносабатларни тўғридан-тўғри амал қиласиган яхлит қонун билан тартибга солиш мақсадга мувофиқдир.

Амалдаги қонунчиликни таҳлил қиласиган бўлсак, қуидаги ҳолатларга эътибор беришимиз мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 16.11.2019 йилдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган "Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган қўчмас мулк обьектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида"ги Низом (кейинги матнларда – "Низом" деб юритилади) ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига доир муносабатларни тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Бироқ ушбу норматив-хуқуқий ҳужжатда давлат ва жамоат эҳтиёжи айнан қанақа эҳтиёжлар эканлига аниқ таъриф берилмаган. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари тушунчаси нима эканлиги аниқ ва тугал белгилаб қўйилмас экан уни турлича талқин қилиш, хусусий эҳтиёжларни ёки тижорат эҳтиёжларни давлат ва жамоат эҳтиёжи сифатида талқин қилишга уринишлар бўлиб туради.

Мисол учун, Украина Республикаси қонунчилигига "давлат эҳтиёжи - миллий манфаатлар ёки худудий жамоа манфаатларидан келиб чиқадиган алоҳида зарурат бўлиб, бунинг учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиб олинадиган қўчмас мулк обьектлари жойлашган ер участкаларига бўлган эҳтиёж" эканлиги қайд этилиб, мазкур иборалар ойдинлаштирилган.¹

Бундан ташқари, маҳсус Низомда мулкдорлар ҳуқуqlарини ҳимоя қилишга оид принциплар қайд этилмаган.

Шу боис, соҳани тартибга солувчи яхлит қонун қабул қилиб, унда Конституциямиз-

¹ Статья 1 закона Украины "Об отчуждении земельных участков, других объектов недвижимого имущества, размещенных на них, находящихся в частной собственности, для общественных нужд или по мотивам общественной необходимости", 17.11.2009, № 1559-VI



га мувофиқ қонунийлик принципини, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хукуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни талабларини эътиборга олган ҳолда мулк хукуқи устунлиги, унинг дахлсизлиги, адолатли компенсация кафолатланиши принципларини, Ер кодекси талабига мувофиқ олиб кўйилган ер участкасидан мақсадли фойдаланиш принципини, "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун¹га мувофиқ очиқлик ва шаффофлик принципини акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу принципларнинг қонун даражасида акс эттирилиши давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шасхлари ва ходимлари зиммасига қўшимча масъулият юклashi табиийдир.

Бундан ташқари, қайд этилган Низомда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб кўйиш қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳоллар ибораси ишлатилган. Ушбу бошқа ҳолларни аниқ белгилаб, тугал рўйхатни келтириш ҳамда ушбу рўйхатдан ташқари ерларни жамоат эҳтиёжлари учун олиб кўйилишини таъкидлаш лозим. Чунки, норматив-хукукий ҳужжатларда мавҳум ибораларнинг ишлатилиши, уларни доим турлича талқин этилишига олиб келиши ҳеч кимга сир эмасдир.

Шу билан бирга Низомда, мулкдорлар билан очиқ муҳокамани ўтказиш тартиби белгиланган.

Ушбу тартибга кўра, олиб кўйилиши режалаштирилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк обьектлари мулкдорларига очиқ муҳокама ўтказиш санаси ва жойи кўрсатилган хабарнома Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашининг очиқ муҳокамани ўтказиш тўғрисидаги карори қабул қилинган кундан бошлаб икки кун мобайнида, бироқ очиқ муҳокама ўтказиладиган кундан камида етти кун олдин ташаббускор томонидан ёзма равища юборилади.

Фикримизча, амалиётда ушбу қоидани қўллашда тушунмовчиликлар вужудга келишини олдини олиш мақсадида, очиқ муҳокамани ташкил этишдан олдин ташаббускор қайд этилган хабарнома мулкдорларга аниқ равища етказилганлигини тасдиқловчи маълумотларга эга бўлиши лозим ҳамда ушбу маълумотномани олиниши лозимлиги ҳақидаги қоида ҳам маҳсус нормаларда қайд этилиши лозим.

Шу билан бирга очиқ муҳокамани ўтказиш тартибида ҳам бўшликлар ва камчиликлар мавжуд деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, очиқ муҳокамада Низомда қайд этилган оммавий ахборот воситаларидан ташқари, бевосита ҳудудда яшовчи ҳалқ иштирокида, яъни жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилиши, очиқ муҳокамани ўтказиш жойи хукуқ эгаларининг яшаш жойига яқин бўлиши кераклиги, хукуқ эгаларининг тўртдан уч (75%) қисми қатнашганда очиқ муҳокама ўтказилган ҳисобланиши (Низом 47-бандига мос равища) ҳамда очиқ муҳокама жараёни аудио ва видео ёзиш воситаларида қайд этиб борилиши жараён шаффофлигини таъминлайди ҳамда мулкдорлар хукуқларини ҳимоя қилиниши кафолатларини янада мустаҳкамлайди.

Шунингдек, очиқ муҳокама билан боғлик барча ташкилий масалалар ташаббускор томонидан ўтказилиши, мулкдор зиммасига бирор бир мажбурият юкланишига йўл кўйилмаслигини белгилаш лозим.

Бундан ташқари мазкур соҳани тартибга солувчи норматив-хукукий ҳужжатларда, ташаббускор ҳамда мулкдор ўртасида низо вужудга келганда, ушбу низони судгача ҳал қилиш тартиб-таомилларини ҳам белгилаш мақсадга мувофиқдир. Мисол учун, компенсацияга оид бўлган низоларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилюятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида ташкил этиладиган компенсация комиссиялари ёки бошқа холис медиатор (мисол учун Савдо-саноат палатаси, адлия органлари ва ҳ.к.) томонидан кўриб чиқилиши тартибининг жорий этилиши, судларнинг иш ҳажмини камайтиришга ҳамда ортиқча вақт сарфланишини олдини олишга хизмат қилиши мумкин.

Хорижий тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, Япониянинг "Экспроприация тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ томонлар ўртасида жамоат манфаатлари учун ерларни экспроприация қилиш билан боғлиқ бўлган низолар келиб чиқса, улар медиация комиссияси томонидан низони ҳал қилишни сўраб мурожаат қилишлари мумкин. Корея Республикасида низоларни ҳал қилишнинг муқобил усули сифатида Корея Республикасининг "Ер учун компенсация бериш тўғрисида"ги умумий Қонунида экспроприация бўйича қабул қилинган

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда.



қарорга нисбатан ерларни экспроприация қилиш бўйича Марказий комиссиясига эътиroz билан мурожаат қилиш хукуки мустаҳкамланган.

Бундан ташқари, Низомда томонларнинг розилиги билан компенсация микдори, тури ва бериш муддати, шунингдек, бошқа шартларни назарда тутувчи ташаббускор ва мулкдор ўртасида тузиладиган, нотариал тартибда тасдиқланган ёзма шаклдаги шартнома, яъни келишув тузилиши назарда тутилган.

Фикримизча, мазкур келишувнинг ягона намунавий шакли ишлаб чиқилиши ҳамда унда барча шартлар, хукуқ ва мажбуриятлар аниқ ва равон кўрсатилиши лозимdir. Натижада, ушбу келишувларда айрим шарт, хукуқ ва мажбуриятларнинг белгиланмасдан қолиши ҳолатларини олдини олишга эришилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги 1047-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом¹ давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарларни (кейинги ўринларда етказилган зарар деб аталади) қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Бироқ, мазкур Низомда қайд этилган айрим нормаларни мувофиқлаштириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, Низомнинг 2-бандига кўра, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар юридик шахс ҳисобланмайди ҳамда ташаббускор ва мулкдор ўртасида низо вужудга келган тақдирда, жамғармани мустақил жавобгар сифатида суд жараёнида жалб этиш имкониятини чеклайди.

Ушбу холат етказилган заарларни ундиришда қатор муаммолар вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, мазкур жамғармаларга юридик шахс мақомини бериш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, мазкур Низомда жамғарма ҳисобидан тўловларни тўлаш навбатлари қайд этилмаган. Тўловлар навбатини белгилаш, жамғарма маблағларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳолатларига барҳам беради. Бунда ташқари жамғарма маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш таъкидланиши ҳақидаги нормани ҳам қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, Германия тажрибасидан келиб чиқиб, низоли мулкларни баҳолашни маҳсус баҳоловчи органга юклаш мақсадга мувофиқдир, турли баҳоловчи ташиклотлар томонидан низоли мулкларга нисбатан ҳар хил нархларнинг белгиланиши, келажакда низоли вазият юзасидан маълум бир тўхтамга келинишида қийинчиликларни ҳамда тарафлар норозилигини вужудга келтиради.

Жорий йилнинг апрель ойида Адлия вазирлиги томонидан “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жамоатчилик муҳокамасига қўйилди².

Мазкур қонун лойиҳаси тадқиқот олиб борилаётган соҳани нисбатан тартибга солинишига қаратилган бўлсада, унда давлат эҳтиёжлари тушунчасидан воз кечилган.

Бироқ, фикримизча давлат ва жамоат эҳтиёжлари ўзаро чамбарчас боғлиқдир, чунки Конституциямизга мувофиқ давлат жамоат манфаатларини ифода этади.

Соҳани тартибга солиш юзасидан яхлит қонун қабул қилинган тақдирда, юқорида қайд этилган фикр-мулоҳаларимизда қайд этилган ҳолатларнинг инобатга олиниши, мулкдорлар хукуқларини ҳимоя қилишни кафолатлаш тизимини янада мустаҳкамлайди деган умиддамиз. Қонун нормаларининг аниқ ва равон баён этилиши, ундаги мавхум тушунчалардан воз кечилиши, қонуннинг амалда ижро этилишида қийинчиликлар вужудга келишини бартараф этади.

¹ Конун хуҷжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2018 й., 09/18/1047/2384-сон

² <https://regulation.gov.uz/uz/d/42584>



АНТИКОРРУПЦИОННОЕ ОБУЧЕНИЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ СЛУЖАЩИХ КАК СОСТАВЛЯЮЩИЙ ЭЛЕМЕНТ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ

Шуҳратов Шероз Шавкатович
Слушатель Академии Генеральной прокуратуры
Республики Узбекистан
e.mail: sherozbek.prokuror@mail.ru

Аннотация: Важное направление в реализации стратегии антикоррупционной политики государства – антикоррупционное образование государственных служащих. Главным фактором успешной борьбы с коррупцией служит правовое обучение лиц, наиболее подверженных к совершению коррупционных преступлений, т.е. чиновников, в целях профилактики и раннему предупреждению данного негативного явления. Следовательно, правовое обучение государственных служащих в сфере противодействия коррупции является одним из самых основных факторов решения данной проблемы. В настоящем научном тезисе рассмотрена необходимость внедрения обязательного антикоррупционного образования для государственных служащих.

Ключевые слова: антикоррупционное обучение, коррупция, государственный служащий, образование, этические правила, добропорядочность, «вакцина честности», практико-ориентированное обучение, повышение квалификации.

Обучение государственных чиновников этике выступает одним из инструментов формирования высокоморальных институтов государственной власти и обеспечения качественного государственного управления. Конвенция ООН по борьбе с коррупцией требует от государств-участников «содействия утверждению образовательных программ и программ профессиональной подготовки с целью обеспечения соблюдения (государственными чиновниками) принципов корректного, честного и надлежащего исполнения государственных функций и предоставления им необходимой специальной подготовки с целью повышения их осведомленности в вопросах коррупционных рисков, возникающих при исполнении ими своих функций».¹

В своём изречении лидер Сингапура «победивший коррупцию» Ли Куан Ю отмечал: «Начать с проповеди высоких моральных принципов, твердых убеждений и самых лучших намерений искоренить коррупцию – легко. А вот жить в соответствии с этими добрыми намерениями – трудно».²

Проблемы образования тесно связаны с проблемами общественного развития. Воспитание неприятия гражданами, в частности государственными служащими коррупции как явления, абсолютно несовместимого с ценностями современного правового государства важнейшая задача каждого государства. Уровень образования населения, его правовой культуры – это не только престиж страны, но и вопрос национальной безопасности.

Без массового осознания государственными служащими колоссального вреда коррупции не может произойти серьезных позитивных перемен. Применение только карательных мер борьбы не позволяет обеспечить действенный контроль над коррупцией и ее негативными проявлениями.

Мы уверены, что нравственно-этическая позиция государственного служащего – важный залог успешности создания антикоррупционной атмосферы в обществе. Основной целью антикоррупционной составляющей должно быть формирование антикоррупционного мировоззрения у государственных служащих.

В существующей теории и практике подготовки государственных служащих можно выделить следующие недостатки, относящиеся к антикоррупционной компетентности государственных служащих:

- отсутствие теоретически обоснованной целостной оптимизационной модели формиро-

¹ Ст. 7 (d) Конвенции Организации Объединенных Наций против коррупции (принята Генеральной Ассамблеей ООН 31 октября 2003 г.) // Сборник международных договоров Республики Узбекистан, 2008 г., № 3-4

² <https://socratify.net/quotes/tag/korruptsiia>



вания антикоррупционной компетентности государственных служащих;

– отсутствие научно обоснованных критериев, показателей и уровней оценки антикоррупционной компетентности государственных служащих и их деятельности в контексте противодействия коррупции;

– дефицит практико-ориентированных, научно обоснованных образовательных программ, направленных на формирование конкретных аспектов антикоррупционной компетентности государственных служащих в соответствии с современными требованиями и задачами их профессиональной деятельности.¹

Обучение государственных служащих по образовательным программам дополнительного профессионального образования антикоррупционной тематики должно быть практико-ориентированным и обеспечивать получение ими:

– знаний нормативно-правовой базы по противодействию коррупции, в том числе в части установления запретов, ограничений, обязанностей и дозволений, требований к служебному поведению государственных служащих, последовательности действий государственного органа при выявлении правонарушений коррупционного характера, правовых и морально-этических аспектов противодействия коррупции;

– навыков применения полученных знаний, включая способность оценить коррупционные риски в различных областях государственного управления, умение применить в практике государственного управления механизмы противодействия коррупции.²

Основными направлениями антикоррупционного образования государственных служащих должны стать:

1. Преодоление правового нигилизма. Уважение к закону должно стать определяющим принципом жизни не только должностных лиц, но и каждого чиновника. В преодолении правового нигилизма особую роль играют правовое просвещение и формирование основ правовой культуры, в частности и в сфере антикоррупционного законодательства.

2. Информирование обучающихся о многогранности коррупции: о сути коррупции как социального явления, противозаконного действия, элемента культуры данного общества. Четкое представление о целях, субъектах, формах и видах, сфере реализации, содержании коррупции.

3. Формирование осознанного восприятия и отношения к коррупции. Нравственное отторжение коррупционного поведения, коррупционной морали и этики. Не только карающий закон, но и нравственный выбор охраняет власть и общество от коррупции. В обществе, оправдывающем коррупцию, закон не сможет ее предотвратить, поэтому сегодня надо закладывать основу будущего России — воспитывать нетерпимость к проявлениям коррупции, формировать у кадров устойчивую отрицательную оценку коррупции.

4. Освоение навыков, необходимых для борьбы с коррупцией. Создание антикоррупционного стандарта поведения. У кадров должно не только доминировать мнение о коррупционном поведении как о поведении, неприемлемом ни при каких условиях, но и должны быть практические деятельностные навыки такого поведения в конкретных жизненных ситуациях. Причем противодействие коррупции должно носить не только пассивный характер – не приемлю и не участвую в коррупционных действиях, но и активный – борюсь с любыми проявлениями коррупции в нашем обществе.

5. Антикоррупционная пропаганда и распространение идей законности и уважения к закону – это важное задание противодействия коррупции.

6. Деятельность, направленная на понимание природы коррупции, осознание социальных потерь от ее проявлений, умение аргументированно защищать свою позицию, умение искать пути преодоления проявлений коррупции.

Следовательно, целью обучения в сфере противодействия коррупции является формирование антикоррупционного мировоззрения, прочных нравственных основ личности, граж-

¹ Практика противодействия коррупции: проблемы и достижения: Материалы IX Всероссийской научно-практической конференции, 7 декабря 2018 г. Казан. нац. исслед. технол. ун-т. – Казань, 2019. – 172 с.

² Методические рекомендации «Организация антикоррупционного обучения федеральных государственных служащих», одобрены президиумом Совета при Президенте Российской Федерации по противодействию коррупции (протокол от 25.09.2012 г. за №34)



данской позиции и устойчивых навыков антикоррупционного поведения.

В ходе подготовки государственных служащих, курс должен иметь больший практический акцент, учитывая структурные функциональные параметры конкретного учреждения. Курсы профессиональной подготовки нужно составлять таким образом, чтобы участники могли работать над конкретными предложениями по антикоррупционным мерам в своих ведомствах. Следовательно, актуализация государственной политики в области противодействия коррупции и необходимость подготовки кадров, способных выявлять коррупционные факторы и предпринимать необходимые меры для их преодоления, обозначили значимость проведения специализированных образовательных программ для государственных служащих.¹

Таким образом, целью правового обучения государственных служащих в сфере противодействия коррупции должно стать формирование антикоррупционного мировоззрения, прочных нравственных основ личности, гражданской позиции и устойчивых навыков антикоррупционного поведения.

¹ <https://cyberleninka.ru/article/n/antikorruptsionnoe-obrazovanie-kadrov-kak-faktor-povysheniya-effektivnosti-gosudarstvennoy-politiki-protivodeystviya-korruptsii>



ХУСУСИЙ МУЛҚ ДАХЛСИЗ ВА ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДАДИР

Х.А.Мухаммадиев

Жиззах вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи адлия масалаҳатчиси

Д.А.Тайлаков

Жиззах вилоят прокуратураси
бўлим прокурори 2-даражали юрист

Аннотация. Мақолада хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг аҳамияти, мулкни мажбуран бегоналаштириш институтининг тарихий манбалари, мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатларининг қонуний асослари, қонун талабларига риоя этмаслик оқибатлари, мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг роли акс эттирилган.

Аннотация. В статье отражены важность защиты частной собственности, исторические источники института принудительного отчуждения имущества, правовые основания гарантий прав собственности, последствия несоблюдения закона, роль прокуратуры в защите прав собственности.

Annotation. The article reflects the importance of protecting private property, the historical sources of the institution of compulsory expropriation of property, the legal basis for guarantees of property rights, the consequences of non-compliance with the law, the role of the prosecutor's office in protecting property rights.

Калит сўзлар: хусусий мулқ, мулкни ҳимоя қилиш, мулкни мажбурий бегоналаштириш, "снос", компенсация, низо, даъво, суд, прокуратура, протест, адолат.

Ключевые слова: частная собственность, защита собственности, принудительное отчуждение имущества, "снос", компенсация, спор, иск, суд, прокуратура, протест, справедливость.

Keywords: private property, property protection, expropriation of property, "demolition", compensation, dispute, lawsuit, court, prosecutor's office, protest, justice.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида хусусий мулкни ҳимоя қилиш, замон талабларига жавоб бермайдиган соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг замонавий жозибадорлиги, хусусий мулк эгалари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат идораларига бўлган ишончи нисбатан мустаҳкамланди.

Мамлакатда мулкчиликнинг ривожланиши, мулкларнинг кўпайиши хусусий мулкни ҳимоя қилинишининг кафолатланганлиги билан бевосита боғлиқdir.

Шу боис, ҳукуматимиз томонидан соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, уларни амалиётга татбиқ этиш, қонун талабларига оғишмай риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда мулкий-ҳуқуқий муносабатларни ҳамда мулкдорлар манфаатларини самарали ҳимоя қилиш механизmlарини мұккаммаллаштирасдан туриб, ҳуқуқий демократик жамият ва барқарор бозор иқтисодиётiga асосланган фаолиятни амалга ошириш жуда қийинdir.

Зеро, бაъзи ҳолларда мамлакатимизда давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер участкаларини олиб қўйиш, уларнинг уй-жойлари, бино иншоотлари ва бошқа мулкларига етказилган заарларни қоплашда қонунчиликдаги бўшлиқлар сабабли айrim муаммолар келиб чиқмоқда ва бу мулк эгаларининг норозиликларига сабаб бўлаётгани кузатилмоқда.

Тўғри, қонунбузарларни жазолаш керак, аммо шу билан бирга авваламбор ваколатли органларимиз мансабдор шахсларининг қонунга аниқ ва оғишмай риоя этилишига эришишимиз зарурдир. Чунки, қонун бузилганидан сўнг, унинг оқибатларини бартараф этиш мурракаб ва кўп вақт талаб қиласиган жараёндир, оддий сўз билан айтганда касал бўлишдан кўра, касалликни олдини олиш афзалдир, ушбу йўл орқали ортиқча сарсонгандишик, сарфхаражат қилиниши ҳолатларига барҳам бериш мумкин.

Биз тушунамизки, ислоҳотлар даврида иқтисодиётни самарали ва тезкор бошқариш, шу



жумладан мол-мулкларнинг оқилюна фойдаланилишидан давлат манфаатдордир. Аммо бошқа томондан, хуқуқий тамойиллар дахлсизлигини таъминлаш зарурати ҳам мавжудлигини унутмаслигимиз лозим.

Шубҳасиз, мол-мулк давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мумкин. Мазкур механизмлар бутун дунё мамлакатларида мавжуд. Улар Eminenes Dominium¹ институтига (Eminent Domain) асосланган. Ушбу хусусий мулкни мажбуран бегоналаштириш институтининг (баъзида “бегоналаштириш доктринаси” деб ҳам юритилади) илдизи префеодализмга оид жамиятлар бошқарувидан бошланган, аммо замонавий шаклда XVII-XVIII асрлар хукуқшунос файласуфлари, яъни голландиялик Гюго Гроций, англиялик Джон Локк, германиялик Самуел Пуфендорф ва франциялик Чарлз Монтескье томонидан тузилган.

Табиий хуқуқ мактабининг ушбу вакиллари томонидан илҳомланиб, Америка Қўшма Штатлари асосчиларининг оталари ушбу тамойилни АҚШ Конституциясининг Бешинчи тузатмасига киритдилар: “[N]or shall private property be taken for public use, without just compensation”², яъни хусусий мулк жамоат фойдаланиши учун, фақатгина адолатли товон тўлаган ҳолда олиниши мумкин.

Ушбу доктринанинг маъноси:

- биринчидан, давлат мулкни олиб қўйиши ёки йўқ қилиши ёки мулк хуқуқларини фақат жамоат эҳтиёжлари учун чеклаши мумкин;
- иккинчидан, давлат эгасига олиб қўйиладиган ёки йўқ қилинадиган мол-мулк учун ёки ундан фойдаланиш хуқуқини чеклаш учун “адолатли” товон пули тўлаши керак;
- учинчидан, мол-мулки олиб қўйилган, йўқ қилинган ёки фойдаланиши чекланган шахсга тегишли суд муҳофазаси хуқуқи берилиши керак.

Амалдаги миллий қонун хужжатларимизга тўхаталиб ўтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 53-моддасида “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг хуқуқи устунлигини хисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг хуқуқлилигини ва хуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулқдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин”³, - деб белгилаб қўйилган.

Айрим мутахассис олимларнинг фикрича, мулкнинг дахлсизлиги мулқдорга қарши турган барча субъектларнинг унинг мулк хуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир. Мулқдор қонун йўл қўйган асосларда, доирада ўз мулкига ўзи эгалик қиласи, ўзи фойдаланади ва ўзи тасарруф этади. Бу мулқдорнинг конституциявий хуқуқидир. Унга ташки томондан тазийк ўтказишга, унинг ички ишларига аралашибашга, мулкини олиб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳаттоқи мулқдорнинг ўз хуқуқини амалга оширишдан воз кечиши ҳам унинг мулк хуқуқини бекор қилмайди⁴.

Бугун ижтимоий ҳаётда кенг муҳокамаларга сабаб бўлаётган бош мавзулардан бири - бу “снос” масаласидир. Албатта, уй қуришда ҳам, уй бузишда ҳам тартиб бор.

Сўнги йилларда юртимида мулк хуқуқини ҳимоя қилиш бўйича қўрилаётган қатъий чораларга қарамасдан фуқаролар, давлат органлари ҳамда инвесторлар ўртасида “снос” билан боғлиқ низолар кўпайган.

Ушбу низоли ҳолатлардан бири сифатида қуйидаги мисолни келтиришимиз мумкин.

Хусусан, Жиззах вилояти Зомин тумани ҳокимининг 2015 йил 14 июнданги 704-сонли қарори билан Даشتобод шахри “Даشتобод деҳқон бозори” МЧЖ худудида жойлашган хусусий тадбиркорларга тегишли бўлган нотурап жой обьектларини мулк эгалари томонидан буздириш белгиланган.

Ушбу обьектлар рўйхатига фуқаро Ш.Эшмуратовага тегишли “Дорихона” биноси ҳам киритилиб, буздирилигидан бўлсада, фуқарога ушбу хусусий мулк эвазига йиллар мобайнида компенсация тўловлари тўлаш пайсалга солинган.

¹ https://en.wikipedia.org/wiki/Eminent_domain

² Constitution of the United States, Amendment V (1791), 04.03.1789.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент “Ўзбекистон”, 2020

⁴ Зокиров И.Б, Баратов М.Ҳ. Мулк нима? Мулдор ким?- Т.:ТДЮИ, 2003.



Фуқаро Ш.Эшмуратова суд идоралари ҳимоясига муҳтож бўлиб, жавобгар Зомин туман ҳокимлигига нисбатан буздирилган бино учун заар үндиришни сўраб фуқаролик ишлари бўйича Фориш туман судига мурожаат қилган.

Бироқ, фуқаролик ишлари бўйича Фориш туман судининг ҳал қилув қарори билан даъвогар Ш.Эшмуратованинг даъво талаби даъво муддати ўтказиб юборилганлиги ҳақидаги важ билан рад этилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан биринчи инстанция суди қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур суд қарорларига нисбатан Жиззах вилоят прокуратураси томонидан кассация протести келтирилиб, унда суд хужжатларини бекор қилиб, иш бўйича даъво талабини қисман қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилиш сўралган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан Жиззах вилоят прокуратурасининг протести қаноатлантирилиб, иш бўйича фуқаролик ишлари бўйича Фориш туман судининг ҳал қилув қарори ва Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилинган.

Даъвогар Ш.Эшмуратова фойдасига 53.252.240 сўм компенсация ундирилиши белгиланиб, прокуратура органлари аралашуви натижасида унинг хусусий мулкига бўлган хукуқи тикланган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 163-моддаси 1-қисми 5-бандига кўра, мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз хукуқини ҳар қандай бузишларни, гарчи бу бузишлар эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам (ушбу Кодекснинг 231-моддаси), бартараф этиш ҳақидаги талабларига даъво муддати жорий қилинмайди.

Биргина мисол сифатида келтирган низоли ҳолатимиздан, фуқаронинг қанчалик сарсон бўлиб, йиллар давомида ўз хукуқини тикланишига эриша олмагани, мансабдор шахслар томонидан унинг хукукларини таъминлаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганини кузатишмиз мумкин.

Ушбу каби ҳолатлар ҳали ҳанузгача мавжудлиги биз қураётган адолатли демократик давлат учун ачинарли ҳолатdir.

Зеро, адолатни қарор топтириш, адолатпарварлик ғоялари асосида фаолият юритиш ҳар қандай мамлакатнинг, ҳар қандай жамиятнинг асосий тамойили ҳисобланади. Ҳар бир давлат адолат ғоясини ўзига асос қилиб олар экан, шу орқали ҳалқининг осойишталигини таъминлаш, тинчлигини сақлаш, низоларни бартараф этиш, тараққиёт йўлини белгилаб олиш имкониятига эга бўлган. Шу сабабли куч — адолатда ғояси барча даврлар ва давлатлар учун юксак аҳамият касб этишини, фуқароларимизнинг хукукларини таъминлашга алоҳида эътибор беришимиз ҳам давр талаби ҳам бизнинг бурчимиз эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозимdir.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 30-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(1-қисм)

**Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

Эълон қилиш муддати: 31.07.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000